

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

406 Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268

(2011 йил 7 октябрдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда), «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 219-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сонли «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 19-сон, 220-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **қарор қиладилар:**

1. Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 19 август,
55-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 19 август,
2011-28-сон

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
бош директори**

Х. МУХИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 19 август,
04-8/3508-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлигининг 2011 йил 19 августдаги
55, 2011-28, 04-8/3508-сон қарорига
ИЛОВА

**Телекоммуникация хизматларидан олинадиган
даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни
«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия
ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 219-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 253-сонли «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги ва 2001 йил 27 декабрдаги 488-сон «Ўзбектелеком» акциядорлик компа-

ниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, телекоммуникация хизматларидан олинadиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ҳамда уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда «Ўзбектелеком» АК деб юритилади) бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ўзбектелеком» АКнинг Ижрочи аппарати (кейинги ўринларда Компания деб юритилади) ва филиалларига татбиқ этилади.

2. Мазкур Низом телекоммуникация хизматларини кўрсатишда Компаниянинг ягона технологик жараёнида иштирок этувчи филиаллари билан ўзаро муносабатларида, шунингдек Халқаро электралоқа Регламенти (Телеграфия ва телефония бўйича бутунжаҳон маъмурий конференциясининг якуний ҳужжатлари, Мельбурн, 1988 й., ТТБМК-88) (кейинги ўринларда Халқаро электралоқа Регламенти деб юритилади) ва Халқаро электралоқа иттифоқи Тавсияларига мувофиқ хорижий операторлар билан телекоммуникация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларни тан олиш ва аниқлаш тартибини белгилайди.

3. «Ўзбектелеком» АК ва бошқа хорижий операторлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар билан Халқаро электралоқа Регламентида назарда тутилган ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартибининг айрим ҳолатлари, тўлов валютаси турлари, акцептлаш, ҳужжатларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ва муддатлари белгиланиши мумкин.

4. Мазкур Низомда қуйидаги атама ва тушунчалар ишлатилади:

трафик ўтказиш — абонентлар (телекоммуникация тармоқлари) ўртасида уланишларни ўрнатиш ва ахборот узатиш жараёнини амалга ошириш;

ҳисоб-китоб таксалари — «Ўзбектелеком» АК ва (ёки) унинг филиаллари томонидан бошқа ташкилотлар билан тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ телекоммуникация хизматларини кўрсатиш технологик жараёнининг муайян босқичида тармоқ хизматини кўрсатиш бўйича иш қийматини акс эттирувчи тариф қисми;

фоиз ставкаси (улуш) — тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари трафиғи ўтказмаси ҳажмидан ва Компания ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ягона технологик жараёнда иштирок этувчи филиалларнинг харажатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган даромадлар улушининг миқдори. Бунда, улуш миқдори қатъий белгиланган сумма кўринишида белгиланиши мумкин;

хизматлар экспортидан даромадлар — хорижий алоқа операторлари томонидан акцептланган сўтларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасига кирувчи физик ҳажмлардан (трафиклардан) келиб чиққан ҳолда аниқланадиган хорижий алоқа операторларига кўрсатилган телекоммуникация хизматларидан ҳамда Интернет тармоғи хизмати, халқаро алоқа каналларининг ижараси ва телекоммуникациянинг бошқа хизматлари бўйича даромадлар;

хизматлар импорти бўйича харажатлар — Компания томонидан ак-

цептланган счётларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасидан чиқувчи физик ҳажмлардан (трафиклардан) келиб чиққан ҳолда аниқланадиган хорижий алоқа операторлари томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматлари ҳамда Интернет хизмати, халқаро алоқа каналларининг ижараси ва телекоммуникациянинг бошқа хизматлари бўйича харажатлар;

хорижий алоқа оператори — телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи хорижий давлат телекоммуникация оператори ва (ёки) хорижий давлат алоқа операторининг номидан ҳисоб-китобларни (ўзаро ҳисоб-китобларни) амалга оширувчи хорижий давлатнинг ваколатли ташкилоти;

счётлар сальдоси — Халқаро электралоқа Регламенти, Халқаро электралоқа иттифоқи Тавсиялари ва (ёки) тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ телекоммуникация хизматларини кўрсатиш даврига тааллуқли тўланиши лозим бўлган ойлик, чораклик счётлар (инвойс, счёт, ҳисобварақ-фактура);

филиаллар — телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ягона технологик жараёнда иштирок этувчи ва телекоммуникация тармоғини техник, эксплуатация жихатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини таъминлайдиган «Ўзбектелеком» АКнинг филиаллари.

Филиаллар қуйидагиларни амалга оширади:

махаллий, шаҳарлараро, халқаро телекоммуникация хизматларини, уларнинг ҳисобини ва фойдаланувчилардан маблағларни йиғишни таъминлайди, шунингдек таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган хизматларнинг бошқа турларини;

шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари алмашинуви учун кабель ва радиореле алоқа линиялари ва техник воситаларини эксплуатация қилиш ва ривожлантиришни;

барча турдаги шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматларини ўтказишни.

II. «Ўзбектелеком» АКда телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш

5. Компания ягона технологик жараёнда телекоммуникация хизматларини кўрсатишни амалга оширадиган филиалларнинг ўзаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

6. Компания фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиалларга умумий тушумдан улуш маблағларини қайта тақсимлашни амалга оширади.

7. Фоиз ставкаси (улуш) миқдори Компания томонидан ижарага берилган каналлар ҳажмидан, оқимлар ва трактлар ҳажмидан, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари трафигининг ўтказиш ҳажмидан ҳамда техник ва эксплуатация фаолиятини таъминлаш бўйича ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, шунингдек филиал телекоммуникация тармоғини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

8. Компаниянинг асосий фаолиятдан даромади қўйидагилардан келиб чиққан ҳолда шаклланади:

фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиалларга йўналтирилган улуш маблағларини чегириб ташлаган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тарифлар, шартномавий тарифлар, ҳисоб-китоб таксалар бўйича фойдаланувчилар ва хорижий операторларга кўрсатилган телекоммуникация хизматлари (ижарага берилган каналлар ҳажмидан, оқимлар ва трактлар ҳажмидан, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари трафигининг ўтказиш ҳажмидан ҳамда Ўзбекистон Республикасига кирувчи халқаро трафик, Интернет тармоғи хизмати, халқаро алоқа каналларининг ижараси ва телекоммуникациянинг бошқа хизматлари)ни реализация қилиш ҳажмидан;

фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ Компанияга тегишли бўлган, филиаллар томонидан йўналтирилган улуш маблағларидан.

9. Филиаллар умумий тушумдан маблағларнинг муайян улушини белгиланган фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ кейинчалик қайта тақсимлаш учун Компанияга юборади.

10. Филиалларнинг асосий фаолиятдан даромади қўйидагилардан келиб чиққан ҳолда шаклланади:

фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ кейинчалик қайта тақсимлаш учун Компанияга йўналтирилган улуш маблағларини умумий тушумдан чегириб ташлаган ҳолда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тарифлар, шартномавий тарифлар, ҳисоб-китоб таксалар бўйича фойдаланувчиларга кўрсатилган телекоммуникация хизматларини реализация қилиш ҳажмидан;

оқимлар ва трактлар ҳажмига, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари трафигининг ўтказиш ҳажмига мувофиқ ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ягона технологик жараёнда иштирок этувчи филиалларнинг техник, эксплуатация жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш учун даромадларни қайта тақсимлашдан филиалларга тегишли бўлган улуш маблағларидан.

III. Телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш тартибининг хусусиятлари

11. Компания кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни Халқаро электралоқа Регламенти ва Халқаро электралоқа иттифоқи Тавсияларига ҳамда тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ амалга оширади.

12. Хорижий алоқа операторлари билан барча муносабатлар тўғридан-тўғри йўналишлар трафигининг ўтказиши ташкил этилган шароитда битимлар (шартномалар) асосида ёки Тўғридан-тўғри йўналишлар операторлари халқаро коммутация марказлари орқали транзит йўли билан трафик ўтказмасида ёзма хабарномалар ва келишувлар асосида ўрнатилади.

13. Кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун счётлар Халқаро электралоқа Регламенти ва Халқаро электралоқа иттифоқи Тавсияларига ҳамда тузилган битимлар (шартномалар) шартларига мувофиқ тузилади, тақдим этилади ва хорижий алоқа операторлари билан акцептланади (келишилади).

14. Халқаро электралоқа Регламентига мувофиқ:

счётлар имкон қадар тезроқ, фавқуллодаги ҳолатлар бундан мустасно, улар тегишли бўлган ойнинг кейингисидан бошлаб учинчи ой тугагунга қадар жўнатилиши лозим;

хорижий алоқа операторлари счётлар устидан, уларни олган санадан бошлаб икки календарь ой мобайнида, аммо фарқларни ўзаро мақбул доирага келтириш учун зарур бўлган даражадагина протест келтириш ҳуқуқига эга;

махсус келишувлар мавжуд бўлмаган алоқа турлари учун кредитловчи алоқа оператори қисқа муддатларда тегишли бўлган давр учун ойлик сметалар (счётлар) бўйича сальдосини кўрсатган ҳолда чораклик счётларни тақдим этади ва ушбу счётларни икки нусхада дебетланувчи алоқа операторига жўнатади, у ўз навбатида счётнинг бир нусхасини текширгандан сўнг, акцептланганлик белгисини қўйган ҳолда қайтаради.

15. Кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши лозим бўлган счётларни тузиш, тақдим этиш, солиштириш, тасдиқлаш Халқаро электралоқа Регламентига мувофиқ ҳисобот даври тугаганидан кейин 5 ой давомида амалга оширилади.

16. Кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар Халқаро электралоқа Тавсиялари ва (ёки) тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ сальдо асосида амалга оширилади.

17. Счётлар сальдосини тўлаш дебитор билан келишилганидан кейин, кредитор томонидан танланган валютада Халқаро электралоқа Тавсиялари ва (ёки) тузилган битимлар (шартномалар) шартларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Ўзаро ҳисоб-китоблар тақдим этилган ва акцептланган счётлар сальдоси асосида амалга оширилади.

19. Компания хорижий алоқа операторлари билан биргаликда ўзаро келишув бўйича тўланиши лозим бўлган ўз счётларини Халқаро электралоқа Тавсиялари ва (ёки) тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ ўзаро ҳисобга олишнинг турли усуллари билан тартибга солиши мумкин.

20. Кўрсатилган хизматлар учун счётлар хорижий алоқа операторлари билан тузилган битимлар (шартномалар) шартларига мувофиқ валютада тақдим этилади.

21. Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб ҳисобланган Халқаро электралоқа иттифоқининг Устави ва Конвенциясига ҳамда Халқаро электралоқа Регламентига мувофиқ, қайсидир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларига кўра халқаро электралоқа хизматлари учун такса ундириш учун солиқ кўзда

тутилган бўлса, бундай солиққа, қоида тариқасида, ушбу мамлакат миждозлари томонидан тўланадиган халқаро электралоқа хизматлари тортилади, агар аниқ махсус ҳолатлар учун тузиладиган бошқа келишувлар мавжуд бўлмаса.

IV. Телекоммуникация хизматларини реализация қилиш бўйича операцияларнинг филиалдаги бухгалтерия ҳисоби

22. Телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушум филиалнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс этирилади:

а) ўрнатилган ва шартномавий тарифлар бўйича телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган қайта тақсимланмайдиган тушум:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти — фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан олинган тушумнинг умумий суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — тасдиқловчи бирламчи ҳужжат (бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура ва х. к.)га мувофиқ телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган соф тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — телекоммуникация хизматларини реализация қилинган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун);

б) умумий тушумдан улуш маблағлари фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ кейинчалик қайта тақсимлаш учун Компанияга йўналтирилиши лозим бўлган, ўрнатилган ва шартномавий тарифлар ҳамда ҳисоб-китоб таксалари бўйича телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушумга:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти — ўрнатилган ва шартномавий тарифлар ҳамда ҳисоб-китоб таксалари бўйича фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан тушумнинг умумий суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиалга тегишли бўлган миқдордаги даромад (соф тушум) суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиалларга тегишли бўлган миқдордаги даромад суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун);

кредит 6110 «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда Компанияга тегишли бўлган миқдордаги маблағлар суммасига.

23. Тасдиқланган фоиз ставкалари (улушлари)га мувофиқ умумий ту-

шумдан филиаллар томонидан олинадиган улуш маблағларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

дебет 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда филиаллар томонидан олинадиган тушум суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиаллар томонидан олинадиган даромад (соф тушум) суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиаллар томонидан олинадиган миқдордаги маблағлар суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун).

24. Шартномага мувофиқ тегишли ой учун кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари ҳисобига бўнақ тўловларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қўйидаги тарзда акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва ш. к.);

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

25. Илгари олинган бўнақ тўловлари суммасини ҳисобот даври давомида телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушум тан олинганда ҳисоблашишга олиб бориш бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётлари.

26. Тузилган ҳисобварақ-фактура, инвойс, счётлар сальдосига мувофиқ, ҳисобот даври давомида телекоммуникация хизматини реализация қилиш бўйича якуний ҳисоб-китоб учун пул маблағларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётлари — илгари олинган бўнақлар ҳисобга ўтказилганидан кейин олинган пул маблағлари суммасига.

V. Телекоммуникация хизматларини реализация қилиш бўйича операцияларнинг компаниядаги бухгалтерия ҳисоби

27. Телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушум Компаниянинг бухгалтерия ҳисобида қўйидаги тартибда акс эттирилади:

а) ўрнатилган ва шартномавий тарифлар бўйича телекоммуникация хиз-

матларини реализация қилишдан олинадиган қайта тақсимланмайдиган тушум:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти — фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан олинадиган тушумнинг умумий суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — тасдиқловчи бирламчи ҳужжат (бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура ва ҳ.к.)га мувофиқ телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан соф тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — телекоммуникация хизматларини реализация қилинган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун);

б) умумий тушумдан улуш маблағлари фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ филиалларга қайта тақсимланиши лозим бўлган, ўрнатилган ва шартномавий тарифлар ҳамда ҳисоб-китоб таксалари бўйича телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушумга:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти — ўрнатилган ва шартномавий тарифлар ҳамда ҳисоб-китоб таксалари бўйича фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан тушумнинг умумий суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ Компанияга тегишли бўлган миқдордаги телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан соф тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ Компанияга тегишли бўлган миқдордаги телекоммуникация хизматларини реализация қилинган ҳажмига ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун);

кредит 6110 «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда филиалларга тегишли бўлган миқдордаги маблағлар суммасига.

28. Фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ қайта тақсимлаш учун Компанияга тегишли бўлган (оладиган) умумий тушумдан улуш маблағлари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

дебет 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар» счёти — умумий тушумдан Компанияга тегишли бўлган улуш маблағлари суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ Компанияга тегишли бўлган соф тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — фоиз ставкаси (улуш)га мувофиқ Компанияга тегишли бўлган тушумга ҳисобланган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун);

кредит 6110 «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти — фоиз

ставкаси (улуш)га мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда филиалларга тегишли бўлган миқдордаги маблағлар суммасига.

29. Шартномага мувофиқ тегишли ой учун кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари ҳисобига бўнак тўловларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва ш. к.);

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

30. Илгари олинган бўнак тўловлари суммасини ҳисобот даври давомида телекоммуникация хизматларини реализация қилишдан олинган тушум тан олинганда ҳисоблашишга олиб боришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинган счётлар» счётлари.

31. Тузилган ҳисобварақ-фактура, инвойс, счётлар сальдосига мувофиқ, ҳисобот даври давомида телекоммуникация хизматини реализация қилиш бўйича якуний ҳисоб-китоб учун пул маблағларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 4110 «Алоҳида бўлинмалардан олинган счётлар» счётлари.

VI. Телекоммуникация хизматлари экспорти ва импортининг бухгалтерия ҳисоби

32. Хизматлар экспортдан даромадлар ва хизматлар импорти бўйича харажатлар Компаниянинг бухгалтерия ҳисобида физик ҳажмлар (трафиклар)дан келиб чиқиб, акцептланган счётлар асосида қиймат ифодасида акс эттирилади.

33. Халқаро электралоқа Регламентида назарда тутилган счётларни тақдим этиш шартларига мувофиқ хизматлар экспортдан даромадлар ва хизматлар импорт бўйича харажатларни счётларда акс эттириш даври телекоммуникация хизматларини ҳақиқатда кўрсатиш даври ва уни акцептлаш санои билан мос келмаслиги мумкин.

Хизматлар экспортдан даромадлар ва хизматлар импорти бўйича харажатларни Компаниянинг бухгалтерия ҳисобида тан олиш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

а) Компания томонидан телекоммуникация хизматларини экспорт қилишдан олинган тушум (даромад)нинг тан олиниши акцептланган счётлар асосида, уларни хорижий алоқа операторларидан олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счё-

ти — телекоммуникация хизматлари экспортдан тушум (даромад) суммасига;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

Бунда, Компания ва филиаллар томонидан телекоммуникация хизматларини экспорт қилиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (рўйхат рақами 1181, 2002 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон) мувофиқ акс эттирилади.

б) телекоммуникация хизматларини импорт қилиш бўйича харажатлар акцептланган счётлар асосида, уларни хорижий алоқа операторларидан олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти — телекоммуникация хизматларини импорт қилиш бўйича харажатлар қийматига;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти.

VII. Яқуний қоида

34. Мазкур Низом «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан келишилган.

**«Ўзбектелеком»
акциядорлик компанияси
бош директори**

М. МАХМУДОВ

2011 йил 19 август